
ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИДАН СЎНГ...

Халқ депутатлари Риштон туман Кенгаши депутати Баҳодиржон Эрматов яна бир савобли ишга қўл урди. Фуқаролар мурожаатига асосан Уч ариқ МФЙ Ойбек кўчаси 1-уйда истиқомат қилувчи 1929 йилда туғилган фуқаро Тўтибу Султонова бундан бир неча йил олдин тўшакка миҳланиб қолганди. Депутат сифатида ушбу хонадон соҳибаси билан суҳбатлашган Баҳодиржон муштипар онахонга ёрдам беришга астойдил киришди ва 1 (бир) дона ногиронлар аравачасини олиб беришда амалий ёрдам беришни сўраб Риштон тумани тиббий-ижтимоий хизматлар шўъбаси мудири И. Деҳқоновга Депутатлик сўрови билан мурожаат қилди. Ниҳоят, улар кутган кун келди ва онахонга ногиронлар аравачаси берилди. - Асосий вазифамиз халқни муаммоларига ечим топиш ва халқни розилигини олиш, дейди Б. Эрматов. Қарияларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан қувонган онахон муҳтарам Президентимизни, ҳукумат раҳбарларни ҳамда депутатларни дуо қилар экан бугунги доруломон кунларга шукроналар келтирди!

2020-07-28 08:54:33